

**“ҲАЙРАТУЛ АБРОР” ДОСТОНИ МУҚАДДИМА ҚИСМИДА  
КЕЛТИРИЛГАН ОЯТЛАРНИНГ МАВЗУИЙ ТАҲЛИЛИ****Ахмедова Муаттар Абдулқаюм қизи***Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети, матншунослик  
ва адабий манбашунослик йўналиши 2-босқич магистранти***Калит сўзлар:** *Сано, Зотул Буруж”, Фаҳму хирад, раҳмат ила явмид дин.*

Алишер Навоийнинг мазкур достони турли масалаларни ўз ичига қамраб олади. Унда оят ва ҳадислардан самарали фойдаланилган. Баъзида оят ва ҳадислар тўғридан тўғри асл ҳолича келтирилса, айрим ҳолларда маъносини қамраб олиш билан кифояланилган.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим,

Риштаға чекти неча дурри ятим. (I боб, 11-бет.)

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим –Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман) деган маънони англатади.

Қуръоннинг ҳамма суралари (9-сура, яъни «Тавба» сурасидан ташқари) бошланишидан олдин айтиладиган калима. Ислом анъанасига мувофиқ бу калимани мусулмонлар ибодат вақтида ва ҳар қандай ишни бошлашдан олдин айтадилар. У мактублар, расмий ҳужжатлар, диний асарлар бошида ҳам ёзилади.

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» ояти фақат бир жойда – “Намл” сурасининг 30-оятида оят сифатида келган.

“Албатта, у Сулаймондандир ва у (мактубда) “Меҳрибон ва раҳimli Аллоҳ номи билан”<sup>97</sup>

Пайғамбар а.с. айтадилар:

«Меҳрибон ва раҳimli Аллоҳ номи билан» бошланмаган ҳар бир иш барча яхшиликлардан маҳрумдир”<sup>98</sup>.

Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,

«Бисмиллоҳ», дегилу қўйғил қадам.

(I боб, 15-бет.)

Ислом анъанасини яхши билган хазрат Навоий ҳар бир ишни бошлашдан аввал бисмиллоҳ калимасини айтиш кераклигига тарғиб қилади.

1. Аллоҳ Таолонинг исм сифатлари

1. “Ал-Ваҳид” (“Ягона”)

Бирлик эдию адади йўқ эди,

Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди.

(III боб, 20-бет.)

<sup>97</sup> Қуръони карим. – Б.379.

<sup>98</sup> Ҳадис.

Мазкур сатрларда Аллоҳ таолонинг “Ягона” “Ёлғиз” деган сифати ҳақида сўз бормоқда. “Аҳад”, “Ваҳид” араб тилида “бир”, “ягона” деган маънони англатади. Дарҳақиқат, Аллоҳ яккаю ягона Унинг шериги ва ўхшаши йўқдир. Бунга қуйидаги оят далил бўлади.

(Кул хуваллоҳу аҳад)

“(Эй Муҳаммад) айтинг: У Аллоҳ ягонадирдир”. (Ихлос сураси, 1- оят.)<sup>99</sup>

2. “Ал-Малик” (“Мулк эгаси”)

Ал-Малик –мулки, салтанати, хазинаси чексиз Подшоҳ. Коинот ва ҳар нарсанинг ёлғизгина ҳукмдори.

Ҳо»си хувиятни қилиб жилвагаҳ,

«Лом»и била қойили «ал–мулку лаҳ». (I боб, 14- бет.)

“Ал-мулку лаҳ” - Мулк унинг учундир, мулк уникидир..

Бу ўринда шоир араб тилидаги иборани қўлламоқда. Бу уни исломий илмларни нақадар чуқур билишидан дарак беради.

“(Мутлақ) ҳукмронлик «қўли»да бўлган зот - Аллоҳ баракотли (буюк)дир ва У ҳар нарсага қодирдир”. (Мулк сураси, 1- оят.)<sup>100</sup>

Буржиға бу етти фалақдин уруж,

Балки анинг бобида “Зотил-буруж”.

(XIX боб, 87-бет.)

Юлдузлар эгаси дейишдан мақсад Аллоҳ таоло барча нарсани яратгувчиси эканлигини эслатиб қўйишдир. Қуйида Қуръони каримдан далил келтирамиз:

“Қасамёд этаман (ўн иккита) буржларга эга осмон билан”. (Буруж сураси, 1- оят.)<sup>101</sup>

3. “Ал-Карийм” (“Саҳоватли”)

«Хайра саноин лимуфизил - карам»,

Ким карамидан эрур эл муҳтарам.

(I боб, 15-бет.)

“Сано (мақтов)нинг яхшиси файз (баракот) сочувчи карамли зотгадир”?

Бу ўринда Аллоҳ таолонинг саҳовати мадҳ қилинмоқда.

4. “Ар-Роҳим”, “Ар-Роҳман” (“Раҳмли”)

Тенгри таоло карамидин қарин,

Юз тухафи “раҳмат ила явмид дин”.

(X боб, 44-бет.)

Раҳмат ила явмид дин – Қиёмат куни раҳмат қилмоқ, марҳамат қилмоқ.

“Аллоҳнинг юз раҳмати бор. Шундан биттасини жинлар, инсонлар, ҳайвонлар ва йиртқичлар орасига ташлади. Улар мана шу раҳмат билан бир-бирларига раҳм қиладилар. Мана шу раҳмат билан ваҳший ҳайвон боласига боғланади. Қолган тўқсон

<sup>99</sup> Қуръони карим – Б. 604.

<sup>100</sup> Қуръони карим. – Б.562.

<sup>101</sup> Қуръони карим. – Б.590.

тўққизтасини Аллоҳ Қиёмат куни бандаларига раҳмат қилиш учун олиб қўйди.  
 {Ҳадис}<sup>102</sup>

5. “Ал-Ҳакам” (“Ҳоким”, “Ҳукм қилувчи”)

Ҳокими одил бўлубон ҳукмрон,

“Дома лаҳул-мулк ва лаҳул ҳукм шон”. (V боб 28-бет.)

“Дома лаҳул-мулку ва лаҳул ҳукм шон” - Унинг мулки ва шаънидаги ҳокимлик давомли бўлсин.

Мазкур байтда Навоийнинг Аллоҳ таолонинг “Ҳаким” деган сифатини очиб бериш билан бир қаторда бу сифат давомий ва бардавом бўлишини тиламоқда.

6. “Ал-Қодир” (“Барча нарсага Қодир”)

7. “Ал-Ҳай” (“Тирик”, Абадий ҳаёт соҳиби”)

Илгидаким субҳани айлаб мудир,

Тилни қилиб зокири ҳайи қадир. (XIX боб, 87-бет.)

Ушбу мисрада Аллоҳ таолонинг сифатлари тилга олиб ўтилган.

8. “Ал-Ҳамид” (“Ҳамд, мақтовга лойиқ”)

Ҳамд ангаким, вожиби биззот эрур,

Ҳомид анинг зотига заррот эрур,

(II боб, 15бет.)

(Эй, Муҳаммад,) Сиз (ўша кунда) фаришталар Арш атрофини ўраб олиб, Парвардигорларига ҳамд билан тасбеҳ айтаётганларини кўрасиз. (Зеро) уларнинг (пайғамбарлар ва умматларининг) ўрталарида ҳаққоний ҳукм қилинди ва “Ҳамд (барча) оламларнинг Парвардигори Аллоҳгадир!” дейилди. (Зумар сураси, 75-оят.)<sup>103</sup>

9. “Ал-Холик” (“Яратгучи”)

Жисм сипеҳрини масир этгучи,

Рух қуёшини мунир этгучи.

(II боб, 15-бет.)

Шоир бу ўринда одамнинг яралиши ва унга руҳ ато этилиши ҳақида сўз юритмоқда. Қуръони каримда эса бундай дейилади:

“Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!”, - деди”. (Ҳижр сураси, 29-оят.)<sup>104</sup>

“(Эй, Муҳаммад,) Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Рух фақат Раббимнинг ишидандир”. Сизларга эса оз илм берилгандир”. (Исро сураси, 85-оят.)<sup>105</sup>

<sup>102</sup> Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризий. “Мишкотул-масобих”. Байрут, 1985-йил, 3—нашри, II жилд, 2365-ҳадис. – Б.731.

<sup>103</sup> Қуръони карим. – Б. 467.

<sup>104</sup> Қуръони карим. – Б. 263.

<sup>105</sup> Қуръони карим. Б.-290.

“Айнан ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) имонни битиб қўйган ва уларни Ўз (томон)идан бўлмиш руҳ (имон нури ёки Қуръон) билан қувватлантирган”. (Мужодала сураси, 22-оят.)<sup>106</sup>

Демак, Аллоҳ таоло одамни яратиб унга ўз руҳидан пуфлаб жон ато этган. Шоир мана шу ҳақида хабар бермоқда.

Гулшани фирузани чеккан баланд,

Гулларидин меҳрни гулдаста банд.

(II боб, 15-бет.)

Бу ерда осмоннинг яралиши ва юлдузларни нақадар моҳирлик билан жойлаштирилганлиги ҳайрат билан тасвирланмоқда.

“Аллоҳ осмонларни, кўриб турганингиздек, устунсиз кўтариб қўйган”. (Раъд сураси, 2-оят.)<sup>107</sup>

“Осмонни сақланиб турувчи том қилиб қўйдик. (Анбиё сураси, 32-оят.)<sup>108</sup>

“Дарҳақиқат, Биз (сизларга) яқин осмонни юлдузлар билан зийнатладик”. (Вас-соффот сураси, 6-оят.)<sup>109</sup>

“Ахир, улар устиларидаги осмонни – Биз уни қандай бино қилиб, (юлдузлар билан) бежаб қўйганимизни ва унинг тешик (ёриқ)лари йўқ эканини кўрмадиларми?! Ерни эса ёйиқ (кенг) қилдик ва унга тоғларни ўрнатиб қўйдик ҳамда унда (ўсимлик, мевалардан) ҳар турли гўзал жуфтларни ундирдик”. (Қоф сураси, 6-7-оятлар.)<sup>110</sup>

Яна бу ҳақда Аъроф сураси, 54-оят; Бақара сураси, 28-, 30-, 34 оят; Юнус сураси, 24-оят; Иброҳим сураси, 32, 164 оятларда учратшимиз мумкин.

“Ал-Бориъ” (Яратувчи)

Эй қилибон қаҳр ила лутфунг шиор,

Борни йўқ айламаку йўқни бор.

Йўқ эдилар ҳар неки - бор айладинг,

Фаҳму хирад бориға ёр айладинг.

(V боб, 25-бет.)

Бу ерда Аллоҳ таолонинг барча нарсаларни яратувчиси эканлиги таъкидланмоқда.

10. “Ал-Аввал” (Ҳар нарсанинг бошланғичи, аввалгиси);

11. “Ал-Ахир” (“Абадий”);

12. “Аз-Зоҳир” (“Борлиги, мавжудлиги, ҳар нарсага қодирлиги ҳар тамонлама аён бўлган зот”);

13. “Ал-Ботин” (“Мавжуд лекин сезги аъзолари билан ҳис қилиб бўлмайдиган зот”).

Не бўлуб аввалда бидоят санга,

Не келиб охирда ниҳоят санга.

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,

<sup>106</sup> Қуръони карим. Б.-545.

<sup>107</sup> Қуръони карим. – Б. 249

<sup>108</sup> Қуръони карим. – Б.324.

<sup>109</sup> Қуръони карим. –Б.446

<sup>110</sup> Қуръони карим. – Б.518.

Барчага холик, бориға айн ўзунг. (III боб, 19- бет.)

“У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билувчидир”. (Ҳадид сураси, 3-оят.)<sup>111</sup>

“Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У тирик ва абадий турувчидир”. (Оли Имрон сураси, 2-оят.)<sup>112</sup>

14. “Сажда қилинувчи”

Катми адамдин неки мавжуд ўлуб,

Сождид ўлуб, сен анга масжуд ўлуб.

Кимки боши саждада – масжуди сен,

Кимки юзи қиблада – маъбудиди сен.

(IV боб, 22-бет.)

“Осмонлар ва Ердаги барча нарса – жониворлар ва фаришталар ҳам кибр қилмаган ҳолларида фақат Аллоҳга сажда қилурлар”. (Наҳл сураси, 49-оят.)<sup>113</sup> Сажда ояти.

“Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз”. (Фотиҳа сураси, 4-оят.)<sup>114</sup>

14. “Ал-Абад”, “Ал-Бақий”

Тенгри қолиб боқию дайёр йўқ,

Ёр муаббад бўлиб ағёр йўқ.

(IV боб, 24-бет.)

“Улуғлик ва икром соҳиби бўлмиш Раббингизнинг “юзи” боқий қолур”. (Ар-Раҳмон сураси, 27-оят) (V боб, 21-бет.)

Юқоридагилар Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари бўлиб, қуйида Одам (а.с)га таъллуқли назм жавоҳирлари билан танишамиз.

Одам (а.с)

«Каррамно» келди маноқиб анга,

«Аҳсани тақвим» муносиб анга.

(III боб, 21-бет.)

Аҳсанна тақвим -энг гўзал, хушбичим кўринишда

“Ҳақиқатан, Биз инсонни хушбичим ва хушсурат (шаклда) яратдик. (Тин сураси, 4-оят.)<sup>115</sup>

Бу ерда Алишер Навоий Аллоҳ таоло инсонни барча мавжудотлардан азиз ва хушсурат қилиб яратгани ҳақида гапирмоқда. Одамнинг яратилишини тасвирлар экан “Каррамна”, “Аҳсана тақвим” каби оятда келган ибораларин қандай бўлса шундайлигича қўлламоқда.

Одам алайҳиссалом. Биринчи инсон ва биринчи элчи. .

“Эсланг, Биз фаришталарга Одамга сажда қилинг дедик. Ҳамма сажда қилди, фақат иблис сажда қилмади. (кибру ҳаво билан): «Сен лойдан яратган кимсага сажда қиламанми?» - деди”. (Исро сураси, 61-оят.)<sup>116</sup>

<sup>111</sup> Қуръони карим. Б.-537.

<sup>112</sup> Қуръони карим. Б.-50.

<sup>113</sup> Қуръони карим. Б.-272.

<sup>114</sup> Қуръони карим. Б.-1.

<sup>115</sup> Қуръони карим. Б.-597.

Борчасини гарчи латиф айладинг,

Борчадин инсонни шариф айлади.

(V боб, 26-бет.)

“Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилдик ва уларни куруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик”. (Ал-Исро сураси, 70-оят.)<sup>117</sup>

Одамнинг яралиши ва азиз қилиб қўйилганининг исботи сифатида унга барча фаришталар сажда қилгани ҳақида Қуръони каримнинг кўпгина сураларида батафсил ёритилган.

Айлади чун одами хокий зухур,

Солди анга партавин ул пок нур.

(VII боб, 34-бет.)

“Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!”, - деди”. (Ҳижр сураси, 29-оят.)<sup>118</sup>

Навоий Аллоҳ таоло одамга ўз руҳидан атоъ этиши уни азиз бўлишига сабаб бўлгани ва ана шунинг учун ҳам Яратганга шукр қилиш кераклигини уқтиради.

Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ,

Одамий хокийни гулистони сунъ. (XVII боб, 72- бет.)

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Абдуазизов А. Алишер Навоий меросининг хорижий элларда ўрганилиши. – Т.: Фан, 1991. 48 б.
2. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Шарқ, 1998. 31 б.
3. Абдуқодиров А. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини. Хўжанд. 1996, Хужанд Давлат унив., 106 б.
4. Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. Хўжанд. 1994. Хўжанд Давлат унив., 100 б.
5. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. Нашрга тйёрловчи Порсо Шамсиев. – Т.: Фан, 1966. 150б.
6. Абдурахмонов Г. А.Рустамов. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1984. 160б.
7. Абдуғофуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. 181б.
8. Абу Али Муҳаммад Балъамий. Тарихи Табарий. Таҳияйи: Умаров М. Бобоев Ф. 1-жилд. Техрон, Замон. 2002. 562 б.
9. Абу Али Муҳаммад Балъамий. Тарихи Табарий. Таҳияйи: Умаров М. Бобоев Ф. 2-жилд. Техрон, Замон. 2002. 656 б.
10. Адабиёт назарияси. II жилдлик, I жилд. – Т.: Фан, 1978. 416 б.

<sup>116</sup> Қуръони карим. Б.-288.

<sup>117</sup> Қуръони карим. Б.-289.

<sup>118</sup> Қуръони карим. Б.-263.

11. Адабиёт назарияси. II жилдлик, II жилд. – Т.: Фан, 1979. 448 б.
12. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. II жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. 248б.
13. Азарбажон адабиёти тарихи. III жилд. I жилд. – Баку, 1960. 590 б.
14. Азимов М. Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти. –Т.: Минҳож. 2003. 242 б.
15. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғоти. – Т. Фан, 1983. II жилд. 642 б.
16. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1991. 226 б.
17. Аҳмедов Б. Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Ғ.Ғулом АСН, 1985. 224б.
18. Барт Ролан. Семиотика. Поэтика. – М.: Прогресс, 1989. 616с.
19. Бартольд, В.В. Сочинения. II том, II часть. М.: Наука, 1964. 657с.
20. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. – М.: Художественное издательства, 1986. 544с.
21. Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. – М.: Академия наук, 1948. 269с.